

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ СУДИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ 3-256-19-сонли
А Ж Р И М И**

2019 йил январь ойининг 24 куни жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди апелляция инстанцияси судлов хайъати ўз биносида, очик суд мажлисида раислик қилувчи: вилоят судираиси ўринбосари Ў.Джумаев, хайъат судьялари: Н.Баймуратов ва Ш.Худаяровлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ж.Алимбековнинг котиблигида, тарафлардан Жиззах вилоят прокуратураси бўлим прокурори Б.Муратов, жабрланувчи Ш.Махкамов, судланувчи С.Қўшақов, унинг ҳимоячиси А.Норбоевларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Зафаробод туман судининг 2018 йил 3 декабрдаги ҳукмига кўра,

Қўшақов Санжар Йулчиевич (Qo`shaqov Sanjar Yulchiyevich), 1984 йил 27 июнда Зафаробод туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Зафаробод тумани, «Бўстон» маҳалласи, А.Навоий кўчаси, 12-уй, 2-хонадонда яшайди, унга нисбатан “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, 2018 йил 3 декабрь куни суд залидан қамоққа олинганга

нисбатан чиқарилган ҳукми устидан Зафаробод туман прокурори томонидан билдирилган протест ҳамда судланувчи С.Қўшақов томонидан берилган шикоятга асосан апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Зафаробод туман судининг 2018 йил 3 декабрдаги ҳукмига кўра, С.Қўшақов Ўзбекистон Республикаси ЖК 267-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилиб, ЖК 267-моддасининг 1-қисми билан 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони умумий тартибли колонияларда ўтатириш белгиланган.

Судланувчи С.Қўшақовдан жабрланувчи Ш.Махкамовнинг фойдасига 13.820.000 сўм моддий зарар ундирилиши белгилаган.

Суд ҳукмига кўра, судланувчи Қўшақов Санжар Йулчиевич 2018 йил 13 август кунига ўтар кечаси соат 23:30 ларда Зафаробод туман “Узун” ҚФЙ худудида жойлашган “Аслбек” чойхонасида Жураев Миржалол Алиқул ўғли билан ўрталарида келиб чиққан ўзаро жанжални тинч йўл билан ҳал қилиш учун Зафаробод туман 3-бўлим ер майдони ёнидаги йўл четига бориб, у ерда яна жанжал чиқариб М.Жураевни ва Олмосов Аброр Янгибой ўғлини уриб тан жароҳати етказмоқчи бўлганида, унинг бу ҳаракатларини М.Жураев сезиб уни қўллари билан итариб юбориб дала майдонга қочиб кетганида унинг ортидан етиб олиш ва транспорт воситасини олиб қочиш мақсадида Зафаробод шаҳарчаси, Самарқанд маҳалласи, Самарқанд кўчаси 3-хонадонда

яшовчи Махкамов Шахзод Анорбой ўгли ишончнома билан бошқариб келаётган, Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳар, Янгилик тор кўчаси 1-уйда яшовчи Қурбанов Азамат Собиржановичнинг номидаги давлат рақами 20 Z 703 ВА давлат белгили “ТБАСПГ СОВАЛТ LS” русумли автомашинани эгасининг рухсатисиз, маст ҳолатда бошқариб олиб қочиб, Зафаробод тумани “Самарқанд” МФЙ, Нодирабегим кўчаси 12-уй рўпарасига етган вақтида рул бошқарувини йўқотиб, йўл четидаги темир тўсиққа урилиб, автомашинага 13.820.000 сўм миқдорида моддий зарар етказган.

Протестда, С.Қўшоқовга нисбатан оғир жазо тайинланганлиги ҳақида важлар келтириб, судланувчи С.Қўшақовнинг 3 нафар вояга етмаган фарзандлари борлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги, муқаддам судланмаганлигини инобатга олиб, ЖК 57-моддасини қўллаб, тайинланган жазони енгиллаштириш сўралган.

С.Қўшақов шикоятда, у жиноят содир қилмаганлиги, ўзини ҳимоя қилиш учун иложсизликдан автомашинани ҳайдаб кетганлиги, муқаддам судланмаганлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлиги, 3 нафар вояга етмаган фарзандлари борлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги ҳақида важлар келтириб, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Апелляция инстанцияси судлов ҳайъати, вилоят суди раиси ўринбосари Ў.Джумаевнинг маърузасини, прокурор Б.Муратовнинг протестни қувватлаб, суд ҳукмини ўзгартириб, С.Қўшоқовга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш ҳақидаги хулосасини, судланувчи С.Қўшақов ва ҳимоячи А.Норбоевнинг протест ва шикоятни қувватлаб берган фикрларини тинглаб, иш материалларини ўрганиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгартириб, қонунга мувофиқлаштиришни, апелляция протестини тўлиқ, шикоятни қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Судланувчи С.Қўшақовнинг айби, жабрланувчи Ш.Махкамов, гувоҳлар Э.Эшмаматов, Б.Хасанов, М.Жураев, А.Олмосов, М.Тошпулатов, С.Тиловқобилов, Н.Қўшақова, А.Саъдуллаевларнинг кўрсатувлари, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, “Озод осие баҳолаш маркази” МЧЖнинг автомашинага етказилган моддий зарар миқдорини аниқлаш ҳисоботи, суд тиббий экспертиза хулосалари, жиноят ишида илова қилинган диск, юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар билан исботланган.

Биринчи инстанция суди томонидан С.Қўшақовнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 267-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанцияси суди томонидан С.Қўшақовга нисбатан жазо тайинлашда унинг оилавий аҳволини, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, муқаддам судланмаганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, жиноятни мастлик ҳолатида содир қилганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, шунингдек жабрланувчи Ш.Маҳкамовга етказилган зарарларнинг қопланмаганлигини унинг жиноий ҳаракатлари квалификация қилинган модда санкцияси доирасида жазо тайинлаб, жабрланувчига етказилган моддий зарарни ундириш масаласида фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилиб, асосли ва қонуний хулосага келинган.

Бироқ, жиноят ишини апелляция инстанцияси судида кўриш жараёнида, яъни 2019 йил 23 январь куни судланувчи С.Қўшақовнинг яқин қариндошлари томонидан жабрланувчи Ш.Маҳкамовга етказилган зарарни қоплаш мақсадида депозит ҳисоб рақамга 10.000.000 сўм қопланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги Қарорининг 37-бандида ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, шунингдек жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.) раҳбарий тушинтириш берилган.

Апелляция инстанцияси суди юқоридаги Пленум қарори талабларига риоя қилган ҳолда судланувчи С.Қўшоқовнинг яқин қариндошлари томонидан жиноят иши бўйича етказилган моддий зарарнинг асосий қисми қопланганлигини, унинг илгари судланмаганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, қарамоғида 3 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, унга нисбатан ЖК 57-моддасини кўллаб, айбланган модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, апелляция инстанцияси суди иш бўйича жабрланувчи Ш.Маҳкамовга етказилган 13.820.000 сўм зарарни қоплаш мақсадида депозит ҳисоб рақамга топширилган 10.000.000 сўмни жабрланувчи Ш.Маҳкамовга қайтаришни ҳамда қопланмаган 3.820.000 сўмни судланувчи С.Қўшоқовдан жабрланувчи Ш.Маҳкамов фойдасига ундиришни белгилашни лозим деб топади.

Апелляция инстанцияси суди судланувчи С.Қўшоқовнинг шикоятдаги у жиноят содир қилмаганлиги, ўзини ҳимоя қилиш учун иложсизликдан автомашинани ҳайдаб кетганлиги ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, унинг бу важларини асоссиз деб ҳисоблайди ва қуйидагиларга асосан рад қилинади.

Жумладан, апелляция инстанцияси судида сўралган жабрланувчи Ш.Махкамовнинг, 2018 йил 12 август куни 23:30ларда ўзига тегишли “Кобалт” русумли 20 Z 703 ВА давлат рақамли автомашинасида ўртоғи Олмосов Аброр билан Зафаробод туман “Аслбек” чойхонасида биргаликда борганлиги, шундан кейин бир бақалдан пиво айтиб, ичиб ўтирганида ўртоғи Аброр ўзининг телефонида синфдош ўртоғи Жўраев Миржалолга телефон қилиб, унга “Аслбек” чойхонасида етиб келишини айтганлиги, орадан 10 дақиқа ўтиб Миржалол Аброрга телефон қилиб дарвоза кулф экан деб айтганлиги, улар Бунёдга дарвозани очиб юборишини, ўртоғи Миржалол келганини айтганлиги, Бунёд дарвозани калити унда эмаслигини, Миржалол дарвозани остидан ёки устидан ошиб кираверишини айтганлиги, Бунёд Аброрни телефон орқали Миржалолга дарвозани калитини тополмаганлиги, дарвозани остидан ёки устидан ошиб киришини айтганлиги, бироз вақт ўтиб чойхона ишчилари ҳовлига югуриб кетишганлиги, улар ҳам нима бўлаётганига қизиқиб чойхона ҳовлисига чиқишганлиги, ҳовлида Миржалолни Санжар урганини билганлиги, Санжардан “нега урдинг” деб сўраганларида у дарвозадан ошиб тушгани учун урганини айтганлиги, ўша вақти Миржалолнинг қоши йиртилиб кетганлиги, шундан сўнг чойхона ҳовлисида кўчага чиққанлиги, Санжар бир оғиз кечирим сўрасин деб чойхона олдида келиб дарвозани бир икки марта тортганида дарвоза очилиб кетганлиги, у чойхонага кириб, Санжарга “Юринг Миржоллодан бир оғиз кечирим сўранг” деганида у хўпдеб у билан чойхонадан чиқиб машинасида ўтирганлиги, кўприкни олдида Миржалолни ҳам миндириб озроқ юрганлиги, Санжар билан Миржалолга тушиб шу ерда гаплашинлар деганлиги, Миржалол билан Санжар унга сал нарироққа ҳайдашини айтишганлиги, у “Бирлик” ҚФЙга кетиш йўлидаги 3-бўлимга тўхтаганлиги, у уларга машинадан тушиб келишиб олинлар деганлиги, бироздан сўнг улар машинадан тушишганидан сўнг, орқадан кизил рангли Нексияда ўртоғи Аброр ва чойхонада шашлик пиширадиган Эркин ака келишганлиги, шундан сўнг машинасини олди томонига Миржалол, Аброр, Санжар ўзаро гаплашиб туришганида у машинани орқа томонида Эркин ака билан гаплашиб турганида улар қувлашиб, югуриб қолишганлиги, С.Қўшоқов Миржолло билан Аброрни орқасидан қувиб сўнгра орқасига қайтиб уни машинаси капотида сакраб чиқиб, бирдан ерга тушиб, ердан тош олиб унга қараб отганлиги, шу вақтда унинг автомашинасини мотори ишлаб турганлиги, Санжар узрини сўраса даров қайтиб кетишини ўйлаганлиги, Санжар машинасини рулига ўтириб олганлиги, шу вақтда уни футболкасини орқа бўйин томонидан ушлаб “нима килаяпсиз тушинг” деганида у машинани тез ҳайдаб тўғри кўчага кетиб сал юриб, сўнгра автомашинани орқага қайтариб олиб олдида тез ҳайдаб ўтиб кетганлиги, шу вақтда Эркин ва Сирожлар билан Нексия автомашинасида унинг ортидан борганлиги, шу вақтда

автомашинасини Зафаробод туман трактор парки қарама-қарши томон кўчада турганини кўрганлиги, автомашинасининг келиб кўрганида унинг орқа томони жиддий зарар етказилганлигини кўришганлиги, шундан сўнг у ИИБ навбатчилик қисмига телефон қилиб автомашинасини олиб қочиб, авария қилганлигини хабар берганлиги, сўнг ИИБ ходимлари С.Қўшақовни ушлаб келишганлиги, унинг автомашинасига 13.820.000 сўм моддий зарар етказилганлиги, С.Қўшоқов ўша куни маст ҳолатда бўлганлиги, уни ҳеч ким урмоқчи бўлмаганлиги, унга етказилган жароҳ автомашида аврия қилган вақтда олган бўлиши мумкинлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

-гувоҳ М.Жўраевнинг, 2018 йил 12 август куни уйда бўлган вақтида соат 23:30ларда ўртоғи Шахзод телефон қилиб “Аслбек” чойхонасига келишини, уйдан чиқиб “Аслбек” чойхонасига келганида дарвоза кулф эканлигишу вақтда чойхона хизматчиси Бунёддан эшикни очишини, ичкарида ўртоқлари Шахзод билан Аброрлар чақиришганини айтганлиги, Бунёд эшикни калитини олиб келишини айтиб кетганлиги, шундан кейин у ўн беш дақиқалар кутиб, Шахзодга телефон қилганида Шахзод калит йўқлигини, Бунёд дарвозани устидан ошиб киришга рухсат берганини айтганидан сўнг у дарвоза устидан ошиб чойхонага кирганлиги, шу вақтда Санжар зинадан югуриб тушиб келиб ҳеч нима демасдан уни бурнига зарб билан бир мушт уриб, унинг ёқасидан ушлаб ҳовлига судраб тушиб уни юзи билан темир панжарага урганлиги, у Санжарга “нега ҳеч бир сабабсиз уряпсиз” деганида, у “Сенга шаҳар бедарвозами кимдан сўраб кирдинг” деб яна уни уриб кетганлиги, шу вақтда ўртоғи Шахзод, Аброр ва чойхона ишчилари уларни ажратиб кўйишганлиги, у кўприкка қараб кетганлиги, бироздан сўнг Шахзод ва Санжар келиб “машинага чиқ гаплашиб оламиз, узр сўрайди” деб айтишганидан сўнг улар “Бирлик” ҚФЙ томонга келганлиги, йўлда тўхтаганида Санжар машиндан тушиб ердан тош олганлиги, шу вақтда уларнинг орқасидан Аброр ва чойхона кабобчиси Эркин акалар келишганлиги, Эркин ака Шахзод билан сал нарида гаплашиб қолганлиги, кейин Аброр келиб “Санжар ака кўйинг нима киласиз узр сўраб кўйинг юзини каранг дабдала қилибсиз” деганлиги, Санжар ака жаҳл қилиб, “Сени урганим йўқ, ўзинг йиқилдинг” деб футболкасидан ушлаб яна урмоқчи бўлганида, у Санжар акани кўкрагидан итариб қочиб кетганлиги, у қочиб йўл ёқасидаги пахта даласини ичига кириб яшириниб олганлиги, Санжар Шахзодни машинасига қараб югуриб бориб, ўт олиб турган машинани ҳайдаб кетганлиги, Санжар ака машинани “Бирлик” ҚФЙ томонга қараб тез ҳайдаб ўтиб, кейин орқага қайтиб, ҳайдаб кетганлиги, кейин у уйига кетаётганида йўлда Шахзодни “Кобалт” русумли машинасининг орқа томони пачоқ бўлиб турганини кўрганлиги, ўша куни С.Қўшақов маст ҳолатда бўлганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

-гувоҳ А.Олмосовнинг, 2018 йил 12 август куни у ишда бўлганлиги, ўртоғи Шахзод телефон қилиб, Тошкентдан қайтаётганлигини айтганлиги, қайтаётганида уни ҳам олиб кетишини айтганлиги, бирга “Аслбек” чойхонасига келганлиги ва бир бакалдан пиво айтганлиги, шундан сўнг соат 23:30ларда ўртоғи Миржалол телефон қилиб, уни ҳам “Аслбек” чойхонасига келишини шу ерда ўтирганлигини айтганлиги, орадан вақт 15-20 дақиқа вақт

ўтгандан сўнг ўртоғи Миржалолни ташқарида Санжар ураётганлигини ишчилар айтишганлиги, у, Шахзод ва ишчилар чойхонадан югуриб чиққанлиги, улар уларни ажратиб кўйганлиги, бироздан сўнг чойхонадан чиқиб, у уйга кўприкдан ўтиб кетётганида орқасида Миржалол ҳам борганлиги, ўша вақти орқасидан Шахзод ва Санжар келиб “машинага чиқ гаплашиб оламиз, узр сўрайди” деб Миржалолга айтганлиги, сўнг улар автошинани ҳокимиятга қараб ҳайдаб кетишганлиги, лекин у бормаганлиги, орадан бироз вақт ўтгач у ва чойхона кабобчиси Эркин ака билан қизил Нексия автомашинада уларнинг орқасидан борганлиги, улар борганида “Бирлик” ҚФЙ томонда эканлиги, Эркин ака Шахзод билан сал нарида гаплашиб қолганлиги, кейин у келиб “Санжар ака кўйинг нима қиласиз узр сўраб кўйинг юзини каранг дабдала қилибсиз” деганида, Санжар ака жаҳл қилиб, Миржалолга “Сени урганим йўқ, ўзинг йиқилдинг” деб футболкасида ушлаб яна урмоқчи бўлганида Миржалол Санжар акани кўкрагидан итарвориб қочиб кетганлиги, шундан сўнг унга тармашиб, тош билан урмоқчи бўлганида, шу вақти у ҳам қочиб йўл ёқасидаги пахта даласини ичига кириб яшириниб олганлиги, Санжар Шахзодни машинасига қараб югуриб бориб, ўт олиб турган машинани ҳайдаб кетганлиги, у машинани ҳайдаб латокнинг олдига бориб қайтганлиги, у машина кетгандан сўнг ўзининг уйига кетаётганида Шахзоднинг онасини кўриб қолганлиги, у ундан Шахзодни сўраганлиги, уни кўрмаганлигини айтганлиги, шундан сўнг Шахзод унга телефон қилиб, машинасини Санжар ака уриб олганлигини айтганлиги ва у ерга боришни айтганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

-гувоҳ Э.Эшмаматовнинг, 2018 йил 12 август куни соат 23:00 ларда чойхонада ишловчилар билан ўтириб овқатланганлиги, ўша вақтда чойхонада Шахзод ва Аброр исмли болалар ҳам чойхонада ўтиришганлиги, уларнинг ортидан Миржалол исмли бола дарвозадан ошиб кириб келганлиги, Миржалолни Санжар кўрибнимага дарвозадан ошиб кирганлигини айтиб, жанжаллашиб кетганлиги, уларнинг жанжал овозини эшитиб, Шахзод, Аброр ва чойхонада ишловчи болалар етиб келишганлиги, уларни ажратиб кўйганлиги, чойхонада ўтирган хўрандалар чойхонадан чиқиб кетишганлиги, унга ишчилар ортидан боринглар бирор гап бўлмасин деб айтишганлиги, у Аброр билан қизил Нексия автомашинасига ўтириб уларнинг орқасидан борганлиги, улар “Бирлик” ҚФЙга қарашли 3-бўлим йўлнинг четида тўхтаб туришганлиги, улар борган вақтида Санжар ва Шахзод гаплашиб туришганлиги, у жанжал чиқиб қолмасин деб Шахзодни четга тортиб “жанжаллашманглар уят бўлади, бир-бирларинга қариндош бўласизлар” деб айтганлиги, Санжар ва Миржалол бир-бири билан ниманидир гаплашиб туришганлиги, қоронғу бўлганлиги сабабли уларнинг нима қилаётганлигини кўришни иложи бўлмаганлиги, болаларни югурган овози эшитилганлиги, шу орада Санжар орқасига қайтиб Шахзоднинг машинасини миниб газни босганча олдинга юриб кетганлиги, ўша куни Санжарни ҳеч ким урмаганлиги, уни урганида у Санжарга ёрдам бериши мумкинлиги, Санжар Шахзоднинг машинасини миниб кетиб қолганлиги, у машинани орқа томонга қайириб олиб, олдиларидан тезликда ўтиб кетганлиги, шундан сўнг улар Нексия машинасида унинг ортидан борганлиги,

борганларида Шахзоднинг машинасини орқа томони урилганлигини кўрганлиги, ўша вақти Санжар йўқ эканлиги, шундан сўнг у бирор нарсага аралашиб қолмай деб уйига кетганлиги, ўша куни Санжар спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги ҳақидаги кўрсаутви билан тўлиқ рад қилинади.

Юқорида баён этилганларга кўра, апелляция инстанцияси, суд ҳукмини ўзгартириб, қонунга мувофиқлаштиришни, апелляция протестини тўлиқ ва шикоятни қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 496, 491, 497¹³, 497¹⁸ - моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Зафаробод туман судининг 2018 йил 3 декабрдаги Қўшақов Санжар Йулчиевичга нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгартирилиб, қонунга мувофиқлаштирилсин.

Судланувчи Қўшақов Санжар Йулчиевичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 267-моддасининг 1-қисми билан ЖК 57-моддаси қўлланилиб, 2 йил 6 ой озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Судланувчи С.Қўшоқовнинг қариндошлари томонидан депозит ҳисоб рақамга тўланган 10.000.000 сўм жабрланувчи Ш.Махкамовга қайтарилсин.

Судланувчи С.Қўшоқовдан жабрланувчи Ш.Махкамов фойдасига 3.820.000 сўм ундирилсин.

Суд ҳукмининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Апелляция тартибидаги протест тўлиқ ва шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи:

ИМЗО

Ҳайъат судьялари

ИМЗО

ИМЗО

Аслига тўғри

Ў.Джумаев